IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934
IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245
VOLUME 7, ISSUE 2, 2024

ХАЛҚАРО МИҚЁСИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ТАЖРИБАСИ

Мирхамидов Бобир Миртохирович
ЖИДУ магистранти

Аннатация

Ушбу мақолада IT соҳасидаги жиноятларга қарши кураш ва уни олдини олиш борасидаги халқаро ташкилотлар фаолияти, шунингдек мазкур IT соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда давлатларнинг минтақавий, халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши, халқаро-ҳуқуқий базасини шакллантирилиши ҳамда ҳалқаро ҳамкорлиги масалалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш мақсадлари, конвенциялар ёки халқаро шартномаларда қўлланиладиган технолоргия мазмуни мувофиқлаштириш, IT соҳасидаги жиноят деб топиладиган хатти-харакатлар ва уларнинг жоний таркибини аниқлаштириш масалалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, сўнгги йиллардаги асосий динамика ва статистик маълумотлар акс эттирилиб, ўрганилган маълумотлар асосида сўнгги йилларда ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳалқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилган ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган ҳуқуқий нормалари тўғрисида хулосалар чиқарилади.

Калит сўзлар

Ахборот хавфсизлиги, жиноий-ҳуқуқ, конституция, жиноий жавобгарлик, конвенция, халқаро ахборот хавфсизлик, алоқа, жиноят кодекс, халқаро, Германия, Россия, ахборот-коммуникация, ҳамкорлик.

Халқаро ахборот ҳавфсизлигини таъминлашда халқаро ташкилотларнинг ўрни мувофиқлаштирувчи ва ташкиллаштирувчи сифатида жуда юқори бўлсада, давлатларнинг маҳаллий қонунчилиги, уларнинг мазкур масала юзасидан миллий тамойил ва қарашлари халқаро ташкилотлар миқёсида соҳадаги ҳамкорликнинг қай ёсинда бўлишини белгилаб бериши турган гап. Бунга мисол юзасидан Россиянинг Евро ҳудуддаги ягона 2001 йилги конвенцияга қўшилмаган давлат бўлганлигида ҳам кўриш мумкин. Бунга асосий сабаб сифатида, масъуллар томонидан Россиянинг соҳадаги миллий қарашлари ва шу билан бирга Россиянинг масала юзасидан баъзи тамойиллари билан конвенция олға сураётган тамойиллар ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги асосий сабаб сифатида кўрсатилди. Бу каби халқаро майдонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорлик масалаларида юз бераётган ҳодисалар, маҳаллий қонунчилик ва давлатлар тамойилларидаги фарқнинг халқаро ҳамкорликдаги аҳамияти қанчалик муҳим эканлиги ва бу тафовутлар самарали ҳамкорликни ташкил қилиш учун чуқур ўрганилиши керак эканлигини кўрсатади.

Солиштирма таҳлиллар шуни кўрсатдики, кўплаб хорижий давлатларнинг жиноий қонунларида ахборот хавфсизлигини жиноий-ҳуқуқий ҳимоялашга тизимли ёндашув мавжуд эмас. Аммо, баъзи давлатларнинг қонунчилигида, қонун билан ҳимоя қилинадиган ахборотлар маълум бир тур сифатида белгилаб қўйилган. Яъни, Польша Республикаси Жиноят кодексининг “Ахборотни ҳимоя қилишга қарши жиноятлар” деб номланган 33-боби давлат сирларининг махфийлигини бузиш, расмий ва касбий сирларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар, алоқа махфийлигини бузиш, муҳим маълумотларга қарши ҳужумлар каби ҳатти-ҳаракатларга нисбатан жавобгарликка тортиш тўғрисида моддалар мавжуд.

Корея Республикасининг Жиноят Кодексида махфий маълумотларга қарши ҳужумга оид, “Махфийликни бузишга оид жиноятлар” деб номланган 35-бобида мавжуд. Унга кўра касбий сирларни очиш ва алоқа махфийлигини бузиш жавобгарликка тортилади.

Касбий ёки расмий сирларга нисбатан ҳужумлар кўплаб чет давлатларининг қонунчиликларида жиноят сифатида қаралади. Масалан, Эстония Республикаси Жиноят кодексида касбий ёки расмий фаолият билан боғлиқ махфий сирларни сақлаш мажбуриятини бузиш 157-модда мавжуд бўлиб, унга мувофиқ шахс, бошқа шахснинг соғлиғи, шахсий хаёти ёки тижорат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилса, лекин у бундай маълумотларни қонун билан сир тутиши керак бўлса ва бундай маълумотлар унга касбий ёки расмий фаолияти давомида маълум бўлган бўлса, шахс бу қилмиши учун жиноий жавобгар ҳисобланади.

Россия Федерациясида бу каби маълумотларнинг махфийлигини бузишни жавобгарликка тортувчи махсус қонунлар мавжуд эмас. Гарчи бу каби қонунларни жиноят кодексига қўшиш кўпчилик томонидан қўллаб қувватлансада, шуни ҳисобга олиш керакки Россия Федерациясида расмий ва касбий сирлар тушунчасини таърифлаш борасида ҳеч қандай федерал актлар мавжуд эмас, ва бу каби маълумотлар махфийлигига қарши ҳаракатларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қонунларни, масалага комплекс ёндашувсиз, тўғридан тўғри жиноят кодексига қўшиш ижрода кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда, касбий ёки расмий маълумотларнинг махфийлигини бузиш масалалари маълумотнинг тури ва уни махфийлигига путур етказган шахснинг кимлигига қараб Россия Федерацияси жиноят кодексининг турли моддаларида тарқоқ жойлашган. Булар оила ёки шахсга оид махфий маълумотларга, алоқанинг махфийлигига, бола боқиб олишнинг махфийлигига қарши амалга оширилган жиноий ҳатти-ҳаракатларга оид 137, 138, 155-моддалар келтириб ўтилган. Кўплаб собиқ Совет иттифоқи давлатларида, бу каби жиноий ҳатти-ҳаракатларга оид қонунлар одатда жиноят кодексининг конституциявий фуқаролик ҳуқуқлар учун ажратилган қисмида келтириб ўтилган. Бу каби ёндашувни, Арманистон Республикасининг Жиноят кодексининг “Шахс ва фуқаронинг конституциявий озодлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари” деб номланган 19-бобида ва Украина давлати Жиноят кодексининг “Шахсий ҳақ-ҳуқуқларга қарши жиноятлар” учун ажратилган 5-қисмида кўриш мумкин.

Шу масалага доир қизиқ ёндашувни Германия Федератив Республикаси қонунчилигида кўриш мумкин. Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси 15-қисмининг 203-моддасига кўра шахсий сирларни, яъни шахсга иш жараёни мобайнида ошкор бўлган шахсий ёки тижорат сирларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган. Яъни Германия Федератив Республикаси қонунчилиги, касбий ёки расмий сирларни ошкор этишни, бу маълумотлар шахсга иш берувчи томонидан ошкор этилиши тақиқланган ахборотни ошкор этиш сифатида жавобгарликка тортади .

Франция Республикаси Жиноят кодекси “Шахсий ҳаётнинг яқинлиги” тушунчасидан фойдаланади, ва кодексга кўра, махфий равишда ифода этилган сўзларнинг ёзиб олиниши ёки рухсатсиз жўнатилиши, ва инсоннинг рухсатисиз уни шахсий жойда расмга олиниш, рухсатсиз у инсоннинг расмини жўнатилиши бу тушунчанинг бузилиши сифатида жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, шахсга доир бу каби маълумотларни жамоага ошкор қилиш ҳам қонун билан жазоланади.

Давлат сирини ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик чет-эл жиноят қонунчилигида ҳар

хил йўллар билан кўзда тутилган. Масалан, Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси давлат сирларига доир жиноятлар бўйича 5 та моддани ўз ичига олади. Булар жосуслик
(94-модда), давлат сирини ошкор қилиш (95-модда), давлат сирини ошкор қилиш ёки бузиш мақсадида давлат сирига эгалик қилиш (96-модда), айғоқчилик агентлиги фаолияти (98-модда). Кодекснинг 97а-моддаси, эркин демократияни бузишга қаратилган ёки Германия Федератив Республикасининг бошқа давлатлардан яширин бўлган қуролий кучлари тўғрисидаги махфий сирларини ошкор қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодексининг 93-моддасига асосан, давлат сири бу, Германия Федератив Республикасининг ташқи мудофасига хавф ёки зарар етказмаслиги учун бошқа давлатлардан сир тутилиши керак бўлган, фақатгина чекланган сонли инсонларга маълумот бўлган фактлар, воситалар ёки маълумотлардир.
Россия Федерациясида, давлат сири тушунчаси Россия Федерациясининг 1993 йил 21 июлдаги давлат сирлари тўғрисидаги
5485-1 сонли актининг 2-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра ошкор бўлиши Россия Федерациясининг хавфсизлигига путур етказиши мумкин бўлган давлат томонидан махфийлиги ҳимоя қилинаётган давлатнинг ҳарбий кучлари, ташқи сиёсати, иқтисодиёти, тергов ва изланиш фаолиятлари ҳақидаги маълумотлардир. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 275–хиёнат ҳақидаги, 276–жосуслик ҳақидаги,
283–давлат сирини ошкор қилиш тўғрисидаги, 283.1–давлат сири бўлган маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш ва 284–давлат сирини ўз ичига олган ҳужжатларни йўқотиш тўғрисидаги моддалари, бошқа давлатларнинг жиноят кодексидаги аналогларидан фарқ қилмайди.
Кодексга кўра компьютер маълумотлари компьютер тизимида фойдаланиш ва қайта ишлаш учун мос бўлган ҳар қандай маълумот (фактлар, маълумотлар, дастурий таъминот ва тушунчалар)ни англатади. Шу билан бир қаторда, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 30-боби қуйидагилар учун жавобгарликни назарда тутади:

- компьютер маълумотларини ноқонуний сақлаш (272-модда);
- компьютер тизимига ёки компьютер маълумотларига ноқонуний аралашиш (273-модда);
- кибержиноятлар учун қилинган воситаларни тарқатиш (273-1-модда);
- компьютер маълумотларини қалбакиллаштириш (273-2-модда).

Компьютер маълумотларини қалбакиллаштириш моддада келтирилган таърифга асосан ҳақиқий бўлмаган компьютер маълумотларини ҳақиқий (тўғри) компьютер маълумотлари сифатида ишлатиш ёки улардан фойдаланиш мақсадида компьютер маълумотларини қасддан киритиш, ўзгартириш, ўчириш ёки блокировка қилишни англатади.
2015 йил январ ойидан кучга кирган Қозоғистон Республикасининг янги Жиноят кодекси “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларидаги жиноий ҳаракатлар” деб номланган 7 – бобни ўз ичига олади. Бу бобга **9 та модда** киритилган:

- 205-модда: Ахборот тизимига ёки ахборот коммуникациялари тармоғига ноқонуний кириш бўйича;
- 206-модда: Ахборотни ноқонуний ўчириш ёки ўзгартириш бўйича;
- 207-модда: Ахборот тизими ёки ахборот коммуникациялари тармоғининг ишлашини қасддан бузиш тўғрисида;
- 208-модда: Ахборотни ноқонуний эгаллаб олиш бўйича;
- 209-модда: Ахборотни узатишга мажбур қилиш бўйича;
- 210-модда: Зарарли дастурлардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқиш ва уларни тарқатиш бўйича;
- 211-модда: Махфий электрон ахборот ресурсларини ноқонуний тарқатиш бўйича;
- 212-модда: Ноқонуний мақсадларни кўзлаган Интернет-ресурсларни жойлаштириш ва шу каби хизматлар кўрсатиш бўйича;
- 213-модда. Мобиль алоқа абонент қурилмасининг идентификация кодини ноқонуний равишда ўзгартириш ва абонент идентификация кодини ўзгартирувчи дастурий таъминотни яратиш, ишлатиш ва тарқатиш бўйича.

Давлатлар қонунчилиги юзасидан солиштирма таҳлиллар шуни кўрсатадики, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 272-моддасига биноан жавобгарликга тортилиши кўзда тутилган компьютер маълумотларига ноқонуний кириш ҳаракатларини тавсифлашда ягона ёндашув йўқлиги кузатилди. Компьютер маълумотлари баъзи давлатларда, ушбу турдаги жиноятнинг предмети сифатида қаралади. Масалан, Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг 202-моддаси “а” бандида шахс ўзи учун ёки бошқа бирон бир шахс учун унга эга бўлишга рухсат берилмаган қонунан ҳимоя қилинган маълумотларни ноқонуний равишда олганлиги учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. 202–моддага қўшимча махсус эслатмада, бу ноқонуний ҳаракат ҳар қандай электрон ва магнит воситалар орқали, тўғридан-тўғри сезилмайдиган маълумотларни ўтқазишни ҳам ўз ичига олиши келтириб ўтилган. 2007 йилда Жиноят кодексига киритилган 202-модданинг “б” бандида эса, бирор шахс бошқа бир рухсатга эга бўлмаган шахсдан ноқонуний қўлга киритилган маълумотларни, маълумотнинг қандай турда бўлишидан қатъий назар, телефон, факс ва бошқа ҳар қандай маълумот ўтказиш воситалари орқали қабул қилишни жиноий жавобгарликга тортилиши кўзда тутилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ Ж:

1. Kuznetsova NF, Lukashov AI (2001) Criminal Code of the Republic of Poland. St. Petersburg: Yuridicheskiy Tsentr Press.
2. Republic of Korea: Criminal Code (1953) Date Views 26.11.2015. www.refworld.org/docid/3f49e3ed4.html.
3. Criminal (Penal) Code of Estonia (2002) Date Views 26.11.2015. http://www.legaltext.ee/text/en/X30068K8.htm.
4. Criminal Code of the Republic of Armenia (2002) Date Views 26.11.2015. www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus.
5. Criminal Code of Ukraine (2001) Date Views 26.11.2015. zakon1.rada.gov.ua/laws/show/2341-14.
6. Petrukhin IL (1998) Personal Secrets (Man and Authorities). Moscow: Institute of State and Law.

7. Criminal Code of Azerbaijan Republic (1999) Date Views 26.11.2015. http://www.constcourt.gov.az/laws/32
8.. Golovko LV (2002) Criminal Code of France. St. Petersburg: Yuridicheskiy Tsentr Press.
9. (1993) Act of the Russian Federation No. 5485-1 “On State Secret” (1993, July 21).
10. Criminal Code of Kazakhstan Republic (2014) Date Views 26.11.2015. online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252#pos=335;-247&sel_link= 1004096288.

WORDLY
KNOWLEDGE